



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 27 сентябрь, шанба • №79 (11.570)

Эркин нархда сотилади

Ҳақсўвар, она юрт, мангу бўл өбод!

БИЗ — ШУ ВАТАННИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Бизнинг ҳур Ватанимиз — Ўзбекистонда 110 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари бир оила фарзандлари-дек, бири-бирига ёру дўст, қондош-қадрдон бўлиб яшамокда. Дўсту қардошлик — мамлакатимиз халқларининг эзгу бир фазилатидир.



«Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг Тошкент вилоят босқичида ана шу ноёб фазилат яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

Бу қардошлик ва маданият байрами куни кеча Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар маданият саройида ўтди. Фестивал Республика Байналмилал маданият маркази ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилди. Унинг расмий қисми вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида иш олиб бораётган миллий маданият марказлари раҳбарларининг давра суҳбати билан бошланди. Иштирокчилар вилоятимизда яшовчи ҳар бир миллатнинг тили, ўзига хос урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллий маданиятлар ҳамкорлигини яна ҳам кучайтириш борасида олиб борилаётган ишларга баҳо беришди, мавжуд муаммоларни бар-

тараф этиш йўллари ҳақида фикрлашишди.

— Юртимиз асрлар давомида бағри кенг диёр сифатида машҳур бўлиши бежиз эмас, — деди фестивални очиш чоғида Тошкент вилоятининг ҳокими Умнат Мирзақулов. — Ахилликни, меҳмондўстликни, биродарликни ўзининг олий мақсади деб билган халқимиз турли миллат вакиллари, уларнинг маданиятлари, урф-одатларига ҳурмат, эътибор ва бағрикенглик билан муносабатда бўлмоқда. Мамлакатимиз тинчлиги, барқарорлиги, турли миллат ва элатларнинг бой анъаналари, қадриятлари ривож топиши серкуёш ўлкамизда турли миллат вакиллари бир бутун ахил оила бўлиб яшашлари билан узвий боғлиқдир.

Фестивалнинг бадий қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш билан бошланди.

Тадбирда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган ҳаваскор ижрочилар, халқ дасталари ўз ижрочилиқ маҳоратларини намоёиш этишди.

Фестивалда Республика Байналмилал маданият марказининг директори Темур Алимов иштирок этди.

(«Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивали ҳақидаги ҳисоботни газетанинг навбатдаги сониди ўқийсиз).

Яна бир хушхабар



СУРАТДА: зангиоталик ёш футболчилар кубок билан тақдирланган пайт.
Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА) олган сурат.

ИККИНЧИ КУБОК «ЭШОНГУЗАР»ДА

«Ҳуқуқий жамиятда инсон қонунларнинг истеъмолчиси эмас, унинг яратувчиси ва ҳимоячиси ҳамдир».

ГАЗЕТА ТАШАББУСИ БИЛАН

Қуйичирчиқ туманида «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ва маҳаллий «Эркин сўз» газетаси ташаббуси билан 11-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари ўртасида айни шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Қизгин баҳс, мунозараларга бой бўлган мазкур тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди.

Гўзал ИСМАТУЛЛАЕВА.

минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган Тошкент туманидаги 4-мактаб 400 минг сўм, Чиноз туманидаги 20-мактаб жамоаси учинчи ўрин учун 300 минг сўм мукофотни қўлга киритди.

Алоҳида ютуқларга эришиб, ўқувчилари республика олимпиадасида, олий ўқув юртларидаги тест синовларида юқори балл тўплаган, таълим тизимида янги педагогик технологияларни жорий этган, янги методик тавсиялар ишлаб чиққан ўқитувчиларнинг яна бир гуруҳи энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридаги пул маблағи билан тақдирланди. Унга Ангрен шаҳридаги 10-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси С. Богданович, Ўртачирчиқ туманидаги 57-мактаб чет тили ўқитувчиси В. Зиганшина, Бўстонлиқ туманидаги 44-мактабнинг математика ўқитувчиси М. Норметов сазовор бўлишди.

2003 йил 24 сентябрь...

Бу кун Зангиота тумани «Эшонгузар» маҳалласи аҳли учун унутилмас кун бўлиб қолади.

2003 йилнинг 24 сентябрида Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда мутасадди вазирлик, идоралар томонидан ўтказилган «Футболчимиз келажиги» республика турнирининг 13-14 ёшли футболчилар ўртасидаги финал учрашувида ҳам ғолиблик шохсупаси вилоятимизга насиб этди. Зангиота туманининг «Эшонгузар» маҳалласи футбол жамоаси Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрининг «Қўнчиқар» маҳалласи футболчилари устидан ғалаба қозонди. Хайратланарли дейишимизнинг сабаби шундаки, бундан бир ҳафта илгари худди шу ўйингоҳда 11-12 ёшлилар баҳсида Оққўрғон туманининг «Уста Нормат» жамоаси ғолиб чиққан эди.

Навбатдаги ҳал қилувчи ўйин ҳам ҳақиқий финалга хос тарзда ўтганини таъкидлаш лозим.

(Давоми 7-бетда).

КУН ТАРТИБИДА — ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ

Пскентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузиш ва мониторинг ўтказиш ҳақида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Ўқувни Тошкент вилоятининг Адлия бошқармаси ташкил этди.

Машгулотда хўжалик ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди. Маҳсулот етиштириш ва топширишни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги суҳбатлар уларда катта қизиқиш уйғотди. Ўқув иштирокчилари шартнома интизоми бўйича ўзларини қизиқтирган ҳамма саволларга малакали жавоб олишди.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

МУКОФОТ МУБОРАК!

Мамлакатимизда юқори малакали кадрлар ва баркамол инсонларни тарбиялаш борасида собитқадам фаолият юритилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ўз самараларини бера бошлади: мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, малакали ўқитувчилар сафи тўлиб бормоқда.

Тошкент вилояти ҳокими ўқитувчилар ва мураббийлар кунини нишонланиши муносабати билан алоҳида ўрнатилган кўрсатилган таълим жамоалари ва ходимларни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда вилоят миқёсида байрамни Зангиота туманида ўтка-

зиш белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан туман ҳокимлигига тадбирнинг юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш топширилди.

Байрам арафасида барча таълим-тарбия муассасаларида кечалар, халқ таълими илғорлари, кекса ўқитувчилар билан

учрашувлар ўтказилади. Таълим-тарбия соҳасида юқори натижаларга эришаётган фаол ўқитувчилар ва мураббийларни тақдирлашга алоҳида эътибор қаратилади. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшган ҳиссалари, кўп йиллик самарали меҳнатлари, маънавий ва маърифий ҳаётдаги фаол иштироклари учун таълим ходимларининг бир гуруҳи вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Байрам арафасида «Энг намунали мактаб» кўрик-танлови ҳам яқунланди. Бекобод шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби биринчи ўринни эгаллаб, 500

Вилоят ҳокимлигида

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Ижтимоий масалалар бўйича котибиятлари ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Унда вилоят шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, вилоят соғлиқни сақлаш, адлия, халқ таъли-

ми, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари ва бир қатор марказларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни Тошкент

вилояти ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудир Танзила Норбоева, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги Комил Ақромов, Тошкент тумани ФХДё бўлимининг мудир Юлдуз Роҳатова соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча йўналишларида ишни самарали ташкил этиш вазифалари ҳақида сўзладилар.

Соғлом оилани шакллан-

тириш, соғлом фарзанд туғилиши ва уларни тарбиялаш борасида «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, хотин-қизлар кўмиталари, «Маънавият ва маърифат», «Оила» марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари олдида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турганлиги алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси қароридан келиб чиқадиган ишлар моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ниҳоятда муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш вилоят бошқармалари, бошқа мутасадди ташкилотларнинг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаб берувчи қарор қабул қилди.

Зулхумор ЖўРАЕВА.

ЯНГИБОЗОРДА МУЛОҚОТ

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида ёшлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашлари, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда халқ таълими бошқармасининг туман бўлимлари ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир мутахассислар «Мен бефарқ эмасман, сен-чи?», «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Балогат даври», «Хаётга тайёрмисан, қизгина» мавзуларида маърузалар ўқиб, савол-жавоб тариқасидаги жонли мулоқотда бўлдилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

КУЗАТУВ ДАФТАРИ НИМА?

Ўртачирчиқ туманидаги 7-мактабга тарбия муассасасида «Боғча тарбияланувчилари учун психологик-педагогик кузатув дафтари»нинг юритилиши тўғрисида семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоятимизнинг бир неча туманларидан бошланғич тарбия муассасалари мудирлари, вилоят халқ таълими бошқармаси назоратчи услубчилари иштирок этди.

Ушбу кузатув дафтари қўллашдан мақсад боғча болаларининг ўсиши, уларнинг фикрлаш қобилиятини текшириб, назорат қилиш ҳамда бола мактаб ёшига етгандан сўнг у ҳақида илм даргоҳи маъмуриятига маълумот беришдир.

Камолитдин АСҚАРОВ.

ЁШЛАР ХИЗМАТИДА

Янгийўл шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда очилган «ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш» маркази ўз фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Марказ шу қисқа фурсат давомида мактаб ва академик лицей ўқувчилари ўртасида кўплаб учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Жумладан, марказ вакиллари Янгийўл туманидаги 18-, 19-, 24-, 28-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари хузурида бўлиб, уларга ОИТСнинг балоғат даврида қандай нохуш оқибатларга олиб келиши ҳамда бу иллатнинг келиб чиқиши тўғрисида маълумотлар бердилар.

Ўз мухбиримиз.

Янги мавсум тараддуди

«Мустақиллик» пахта тозалаш заводи очик акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йили Кўйичирчиқ тумани деҳқонларидан 24 минг 92 тонна пахтани қабул қилиб, ундан 6 минг 300 тоннадан ортик тола ва кўплаб бошқа маҳсулотлар олди.

Тола сифатининг яхши бўлишига алоҳида эътибор берилгани учун корхонага чет эллик харидорлар ҳам кўплаб буюртма бердилар. Шуни айтиш кифояки, ишлаб чиқарилган толанинг



ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ШАЙ

деярли 90 фоизи ёки 5 минг 400 тоннаси хорижий мижозларга етказиб берилди. Бундай буюртмачилар қаторида АҚШ, Франция, Польша, Словакия, Венгрия, Россия давлатлари бор.

Корхона жамоаси ўтган йилги пахта ҳосилини қайта ишлашни ниҳоясига етказиши билан янги мавсумга тайёргарликка киришди. Катта ҳажмда таъмирлаш ишлари белгиланди. Шу мақсадда 300 миллион сўм маблаг ўзлаштириш назарда тутилди.

Жамиятнинг қурилиш ва тозалаш цехлари қайта таъмирланди. Улардаги мавжуд асбоб-ускуналар соғланди, эскилари янгилари билан алмаштирилди. Бу ишлаб чиқариш бўлиналари биринчи навбатда қўлдан чиқарилди. Мавжуд учта пахта тайёрлаш пунктларидаги ҳар бирида 450 тоннадан 600 тоннагача хомашё сақланадиган барча 26 та пахта майдонлари текисланди. Минг тоннагача пахта сиғадиган усти берк майдонга ҳозирнинг ўзидаёқ хом ашёни бунтлашга ки-

ришиш мумкин.

Бундан ташқари, мавжуд бўлган барча асбоб-ускуналар, машина-механизмларни янги мавсумга тахт қилиб қўйиш юзасидан ҳам кенг қамровли ишлар бажарилди. Оғир юк тортишга мўлжалланган иккита тарози, бешта КВП-650, бешта ХПП пахта узатгичлари, иккита хавосўргичлар пухта соғланди.

Бу йил ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларига ҳар қачонгидек жиддий эътибор берилди.

Пахта тозаловчилар бу йил ўтган йилгига қараганда сал кам бир ярим баробар кўп пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлашни мўлжаллашапти.

Собир ҲАМИДОВ.



СУРАТЛАРДА: бўлим бошлиғи Пардабой Бекбоев, таъмирловчилар Қодиржон Абдувалиев ва Мирзамурод Худоёров (юқорида); бош механик Исроил Иброҳимов ва таъмирловчи Алишер Саидқулов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Кўргазма

«ВЕНА — ТОШКЕНТ — ВЕНА...»

Ўзбекистон ва Австрия рассомларининг Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида очилган кўргазмаси «Вена-Тошкент-Вена: ягона макон» деб аталиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллик байрамига бағишланди.

Австриялик рассомлар Мария Луис Буисман, Маргарет Зноземски, Андреа Ресси, Кристоф Майер ўзбекистонлик ҳамкасблари Марат ва Людмила Содиқовалар, Искра Шин, Алишер Алиқулов, Виктория Трошина, Валерий Енин билан бирга мамлакатимиз буйлаб ижодий

сафарда бўлиб, қадимий обидалар билан танишдилар.

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги ва Австриянинг бизнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхонаси кўмагида амалга оширилди. Ўзбекистон Бадий академиясининг «Бритиш Америкен Тобакко —

Ўзбекистон» (ЎЗБАТ) қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республикасидаги Корейс маданият марказлари ассоциацияси ва бошқалар билан ҳамкорликдаги қатор лойиҳалар ҳам ушбу доирада ташкил этилганди.

Венадаги «Виндшпиль» суратлар галереясида бўлиб ўтадиган кўргазма икки юрт рассомларининг ҳамкорликдаги фаолиятларининг янги қирраларини очиб беради.

Мухаббат ЙЎЛДОШЕВА.

ДИН, МАЪНАВИЯТ ВА АЁЛ

Ер юзида токи биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин. Юқоричирчиқ туманидаги маданият саройида вилоят Маънавият ва маърифат маркази ҳамда туман ҳокимлигининг ҳамкорликдаги ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида бунга яна бир бор амин бўлдик. «Дин, маънавият ва аёл» деб номланган ушбу суҳбатда дин оламида, маънавият соҳасида аёлларимизнинг ўрни ҳусусида фикрлашилди.

Тадбир мобайнида Вазирлар Маҳкамаси қошидаги республика Диний кўмитаси Аёллар шўъбаси вакили Озода Тўлаганованинг «Дин ва аёл, шукроналик ҳисси», «Саломатлик» институти вилоят филиали директори Мавжуда Эргашева ҳамда мутахассис Саида Юнусованинг «Организмда йод танқислиги ва унинг оқибатлари», «Соғлом турмуш тарзи» каби мавзулардаги маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди.

— Ҳозирги кунда республикаimiz бўйлаб тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш жараёни кетмоқда, — деди вилоят маънавият ва маърифат маркази мутахассиси Пардаҳол Ҳайдарова. — Бу мақсадга эришадиган эришиб бўлмади, албатта. Катта ёшдагилар ўзбек тўйини тўкин-сочин ўтишини истайдилар. Биз эса, ёшларимизга дабдабабозликка қарши курашиш, беҳуда сарф-харажатларга йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида тушунтиришимиз керак.

Тадбир меҳмони — шоира Зулфия Мўминова ўз ижодидан янги намуналар ўқиб берди. Давра суҳбатининг якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

Хурида МЎМИНОВА.

Ўзбекистон Президенти ва республика ҳукумати мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусан, фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи кучга айланиб бораётган фермерларга кўпроқ мустақиллик, эркинлик бериш, уларни тармоқнинг ҳақиқий мулкдорларига айлантириш, бунинг учун эса, «ислохот қалдирғочлари»нинг ҳуқуқ ва бурчларини қонуний мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида қатор қонунлар, Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

ли, иқтисодий ночор хўжалик тугатилиб, улар негизда юридик мақомга эга бўлган мустақил фермер хўжаликлари барпо этилди. Фермерликни ривожлантиришнинг бундай ташкилий усули ҳақиқатан ҳам кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Масалан, Бекобод туманидаги «Турон», Бўка туманидаги «Гулистон», Чиноз туманидаги «Янгиобод», Юқоричирчиқ туманидаги У.Юсупов номли, Янгийўл туманидаги Бобур номли хўжаликлар кейинги йилларда қолоқлар сафига тушиб қолиб, тобора қарзга ботиб бораётган эди.

хусусан, фермерлар манфатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга бўйсундирилмоқда.

Бироқ, тугатиладиган кишлоқ хўжалик корхоналари негизда мустаҳкам фермер хўжаликларини ташкил этишда ўзибўларчилиқ, айниқса, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик каби иллатларга йўл қўймаслик зарур. Бу масалага Президент Фармонида алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, «... ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун...» берилиши белгилаб қўйилган. Чунки, кўп йиллардан бери фойдаланиб келинаётган унумдор ерлар кишлоқ хўжалигидан йироқ, деҳқончилик соҳасида тажрибага эга бўлмаган, айниқса, нопок кимсалар қўлига тушиб қолмаслиги керак.

Иккинчи қақирок халқ депутатлари вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ўн еттинчи сессиясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилди. Негаки, жойларда фермерлар томонидан ўзбошимчалик қилиниб, давлат буюртмаси сақланиб турган экин турларини шартномавий режада белгиланганидан камайтириб экиш ҳоллари учраб турибди. Жумладан, вилоят бўйича 549 фермер хўжалиги 2003 йил ҳосили учун пахта тозалаш корхоналари билан тузилган шартномани ўзбошимчалик билан бузиб, жами 1309,8 гектар кам майдонга чигит эккан. Шунингдек, унумдор ерлардан самарасиз фойдаланаётган, арзимоган ҳосил олиб, ернинг умрини ўтказаятган фермерлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай масъулиятсиз фермерлардан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 927 гектар ер қайтариб олинди. Бунга яна мисоллар келтириш мумкин.

Бундай ножўя ишларга йўл қўймаслик учун тугатилаётган иқтисодий ночор хўжаликлар негизда мустақил фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёнида икки босқичли танлов усули қўлланилмоқда. Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги «Олга», «Бирлик», «Саксонота» ва Жамбул номли хўжаликларни фермер хўжалигига айлантиришда жами даъвогарлардан 441 нафари биринчи босқичдан ўтказилиб, ҳал қилувчи босқичда иштирок этишга рухсат берилган бўлса, пировардида 206 нафари танлов ғолиби деб топилди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу жараён вилоятда изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Президент Фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ 2004 йилда яна 10 та, 2005 йилда эса, 13 та паст рентабелли ва иқтисодий ночор хўжалик фермер хўжаликлари айлантирилади. Бунда танлов шартларини кучайтиришга, яъни ерга чинакам меҳр қўйган, деҳқончилик илмидан бохабар фермерни танлашга жиддий эътибор бериш керак бўлади. Токи, унумдор ер майдонлари ҳақиқий эгасини топсин.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент
ҳақиқати»нинг махсус
мухбири.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 июлда қабул қилинган "Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Давлат ва жамият қурилиши академияси Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув маркази ташкил этилди.

Марказнинг очилишида вазирлик ва қўмиталар раҳбарлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ушбу марказ мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларни ҳисобга олган ҳолда, илгор халқаро дастурлар асосида, хўжалик жамиятлари корпоратив бошқаруви раҳбар ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Ў.А.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида капитал маблағлар оқими тезлашиб, меҳнат ва ахборот-информатика тизими тобора такомиллашаётир.

Эркин савдо фаолияти ривожланиши натижасида давлатларнинг интеграциялашуви жадаллашмоқда. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилдир.

Дунё бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар билан иштирок этадиган давлатларгина юқори мавқега эга бўла олади. Зеро, маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигининг ортиши ички бозорда ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар ва бошқарув усуллари билан таъминлаш, самарадорликни янада ошириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш орқали чет эл валютасини кўпроқ жалб этиш имконини беради.

Мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш учун етарли ички салоҳият мавжуд. Юртимиз ўз имкониятлари билан Марказий Осиё давлатлари орасида ажралиб туради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлик ва барқарорлик масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжуманида шулар ҳақида гап борди. Тегишли вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, хорижий мутахассислар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар жараёнидаги ютуқлар, галдаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Б. ХИДИРОВА,
Ў.А. мухбири.

ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПСИН



акс ҳолда унумдор ерларнинг умри бекор ўтиши, энг ачинарлиси, у нолойиқ кишиларнинг қўлига тушиб, ишдан чиқиши мумкин

Ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб бориши билан фермерлар сафи кенгайиб, фаолиятлари такомиллашиб, иқтисодий салоҳиятлари янада юксалиб бормоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати ривожланиб, уларнинг кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги улушлари сезиларли даражада ошди.

1993 йилда вилоятда 774 фермер фаолият юритган бўлса, ҳозир уларнинг сони 6700 нафардан ошди. Ўн йил аввал фермерларга бириктирилган ер 7650 гектар бўлса, бугунги кунга келиб, улар қарийб 92 минг 600 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Бу вилоят умумий кишлоқ хўжалик ер майдонининг 22,5 фоизига тенгдир.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларининг вилоят ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги улуши ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунончи, 1993 йилда фермерлар жами 2010 тонна пахта, 6737 тонна дон етиштирган бўлса, эндиликда бу кўрсаткичлар тегишлича 42303 ва 125000 тоннага чикди. Бошқача қилиб айтганда, ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб 21 фоизини фермер хўжаликлари етиштириб бормоқда.

Мамлакат Президентининг «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика ҳукуматининг ушбу Фармон ижросига қаратилган қароридан сўнг фермерлар фаолиятини янада

кенгайтириш ва такомиллаштириш учун кенг имкониятлар очилди. Чунки, ушбу фармон ва қарор кишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мустақиллигини кенгайтиришга қаратилган.

Хусусан, Президент Фармонида «... истиқболда асосий кишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналиш сифатида белгилаш» алоҳида таъкидлангани сабабли фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан кескин ўзгарди. Биринчидан, фақат шу йилнинг ўтган ярмида 1083 та фермер хўжалиги ташкил этилганлиги бу борадаги ислохот суръати давр талабига мос эканлигини кўрсатса, иккинчидан, янги фермер хўжалиги асосан қолоқлик ботқоқига ботиб қолган хўжаликлар негизда тузилаётгани ташкилий ишлар ҳам янги маъмул ва моҳият касб этаётганидан далолат беради.

Гап шундаки, Президент Фармонида шундай банд бор: «Фермер хўжаликлари, қонда тарикасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизда барпо этилади». Фармоннинг ушбу банди ҳам вилоятда аниқ мақсадни кўзлаб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунгача 11 та ана шундай паст рентабел-

Хусусан, улар 2001 йилни 4 миллиондан 86 миллион сўмгача зарар билан яқунлаганди. Шу боис бу бешта хўжалик тугатилиб, экин майдонлари янги ташкил этилган фермер хўжаликлари бўлиб берилган, ахвол бутунлай ўзгарди. 2002 йил «Гулистон»да 5.553.000 сўм, «Янгиобод»да 7.715.000 сўм, «Турон»да 11.335.000 сўм, У.Юсупов номли хўжалиқда 35.950.000 сўм соф фойда билан яқунланди.

Тўғри, бу рақамлар у қадар салмоқли эмас. Аммо, муҳими шундаки, иқтисодий ночор хўжаликлар қанчалик тез тугатилиб, мустақил фермер хўжаликлари айлантирилса, давлатга ҳам, аҳолига ҳам шунча кўп фойда бўлади. Шунинг назарда тутиб, вилоятда бу йил 6 та паст рентабелли хўжалик тугатилиб, улар негизда жами 222 та фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, вилоятда янги-янги фермер хўжаликлари ташкил этиш билан бир вақтда уларга консалтинг, маркетинг ва аудит хизмати кўрсатувчи бўлимлар ва ахборот марказлари каби инфратузилмалар тизими яратилмоқда. Бундан ташқари, вилоятда 14 та ўғит дўкони, 10 та муқобил МТП, 12 та ёнилғимойлаш материаллари шаҳобчалари, 9 та мини банк фермерларга хизмат кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Президент Фармонида таъкидланганидек, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятлари кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари,

Dushanba

29

«Ўзбекистон»

телеканал

Телетомошабинлар
диққатига!«Ўзбекистон» телеканали
29 сентябрь кунин ўз
курсувларинин соат
15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлилнома».
15.45 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
16.05 Эстрада тарона-
лари.
16.25 «Тўртинчи
ҳокимият».
16.40 ТВ-анонс.
16.45 «Обод уйда пок
одамлар яшайди».
«Болалар сайёраси»:
17.05 1. «Улғайиш

поғоналари».

2. «Олтин тож». Телеви-
зион ўйин.18.10 «Зарғалдок».
Мультфильм.18.30 «Кўшиғимиз Сизга
армуғон».18.45 «Қалбингизда
сўнмасин зиё».19.00 «Бир жиноят
изидан».19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Ёшлар.19.30 «Ахборот» (рус
тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк
хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Муқаддас бурч».

21.25 ТВ клип.

21.35 2003 йил - Обод
махалла йили. «Кўпчи-
лик қаторида».21.55 «Ошин». Телесе-
риал.22.55 От спорти бўйича
жаҳон кубоги.23.25 «Ахборот-дай-
жест».23.45-23.50 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканал

17.00 Кўрсатувлар

дастури.

17.05 «Мульттомоша».

17.20 Жаҳон жуғрофия-
си.

18.10 Ёшлар овози.

18.30 Муқаддас бурч.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 «Меҳр кўзда».

Мактубларга шарҳ.

20.00 Мусикий лаҳза-
лар.20.10 Сув - ҳаёт
манбаи.

20.15 Одамлар орасида.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35
Ёшлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги
тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:

Интерфутбол.

0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»

телеканал

17.10 Кўрсатувлар

тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».17.55 «Хориж хабарла-
ри» (рус)18.00, 21.00 «Экспресс»
телегазетаси.18.05 «Халқ саломатли-
ги йўлида».

18.30, 20.00, 20.35

21.45 «Пойтахт»
ахборот дастури.18.45 «Табриқлаймиз-
қутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.10 ТТВда сериал:
«Ой нури агентлиги».

20.20 «Аво-пews».

20.40 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».21.05 ТТВда сериал:
«Лўлининг бахти».22.05 Кинонигоҳ. «Нозик
нихол маликам». 1-
қисм.23.35-23.40 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Халқаро»

телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00-
7.00.16.00 Кўрсатувлар
тартиби.

16.05 «Вести».

16.15 «Молдова вино-
си». Хужжатли фильм.

16.45 «Бола бошидан».

17.00 «Евроныос»
янгиликлари.

17.20 «Еврофутбол».

17.30 «Ҳазил кетидан
ҳазил». Ҳажвий
кўрсатув.18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».

Сериал.

19.00 «Мени қутгил».

20.00 «Время».

20.30 «Икки тақдир».

Сериал.

21.40 «Бизнес ревью».

21.45 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».22.05 Ф. Киркоров
ижросида концерт
дастури.

00.05 «Ахборот».

00.40 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очили-
ши. 17.00 «Маърифий
дастур». 17.30, 20.45 «Те-
леҳамкор». 18.00 «30-ка-
нал» киноқшоми: «Зулм».
19.30 «Ошиқона». Муси-
кий дастур. 19.45 «Дрон-
го». Сериал. 21.05 «Клип-
совга». Телетабриқнома.
21.20 «Хайрли тун, кич-
кинтойлар!». 21.30 «30-
канал» киноқшоми: «Те-
килли тонг». 23.15 «30-
канал»да спорт.

Seshanba

30

«Ўзбекистон»

телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм»
намоиши: «Нақшлар
бўстони», «Нодир
ҳазина».
9.25 «Соз сеҳри».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир жиноят
изидан».
10.30 «Кўк қуш».
Бадий фильм.
12.05 «Кўпчилик
қаторида».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Саргузаштлар
орол».

риал.

15.10 «Яхшилик».

15.50 «Бизнес ҳафта».

16.10 ННҚ тақдим
этади: «Буюк Ипак
йўли». Телесериал.
премьераси.17.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».

18.10 Репортаж.

18.15 «Шарқ таронала-
ри».

18.35 «Мулкдор».

18.50 «ТВ Бинго
миллионер». Телелоте-
рея.19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Ёшлар.19.30 «Ахборот» (рус
тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Устозга таъзим».

Ўқитувчилар ва
мураббийлар кунига
бағишланган тантанали
йиғилиш ва концерт.21.45 «Ошин». Телесе-
риал.22.45 От спорти бўйича
жаҳон кубоги.23.15 «Ахборот-дай-
жест».23.35-23.40 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканал

6.55 Кўрсатувлар

дастури.

7.00 «Мунаввар тонг».

Информацион дам
олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод»
студияси: Болалар
учун концерт.9.35 «Булуғли йўлқалар-
да сайр». Мультфильм.9.45 Истиклол умидла-
ри.10.00 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер» 9-
қисм.

10.50 Кинотакдим.

11.10 ТВ - адвокат.

11.15 «Гвадалупе».

Телесериал.

11.55 Ёшлар овози.

12.15 «Куз». Телефильм.

12.25 Одамлар орасида.

12.45 Мусикий лаҳза-
лар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 Маҳалламиз
болалари.

13.30 Муқаддас бурч.

13.50 Интерфутбол.

15.30 ТВ - анонс.

15.35 Қишлоқдаги
тенгдошим.15.55 «Шавкатли рицар
Айенго ҳақида қисса».

Бадий фильм.

17.20 ТВ - анонс.

17.25 Кўрсатувлар
дастури.17.30 «Янги авлод»
студияси: Оқ кабутар.17.50 Солиқ ҳақида
сабоқлар.

18.05 ТВ - анонс.

18.10 Минг бир масла-
ҳат.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» интервью.

19.50 ТВ - анонс.

19.55 Учрашув.

20.15 Мусикий лаҳза-
лар.

20.25 Ўзимизники.

20.40, 21.25, 22.35

Ёшлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:

1.Нокаут, 2.Теннис.

23.45 - 23.50 Хайрли
тун.

«Тошкент»

телеканал

17.10 Кўрсатувлар

тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Бу
ҳам кино».17.55 «Хориж хабарла-
ри» (рус)18.00, 21.25 «Экспресс»
телегазетаси.

18.05 «Ҳимоя».

18.30, 20.00, 21.10,
22.10 «Пойтахт»
ахборот дастури.18.45 «Табриқлаймиз-
қутлаймиз».18.05 «Хориж хабарла-
ри».19.10 ТТВда сериал:
«Ой нури агентлиги».

20.20 «Туризм ҳақида».

20.50 «Инсон ва қонун».

21.30 ТТВда сериал:
«Лўлининг бахти».22.30 Кинонигоҳ.
«Нозик-нихол мали-
кам». 2-қисм.23.35-23.40 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Халқаро»

телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00
- 7.00.16.00 Кўрсатувлар
тартиби.

16.05 «Вести».

16.15 Мультфильм.

16.35 «Экран зийнати ва
қиймати».17.00 «Евроныос»
янгиликлари.

17.20 «Машҳурлар».

18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».

Сериал.

18.50 «Микрокосмос».

20.00 «Время».

20.30 «Икки тақдир».

Сериал.

21.30 «Бизнес ревью».

21.35 «Хроника».

21.45 «FCN Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)

21.55 Кинематограф.

«Менга миллион
кифоя». Бадий
фильм.

23.20 «Ахборот».

23.55 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телеҳамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15
«Пауэр Рейнджерс ёки куч-
ли рейнджерлар». Сериал.
10.40 «Маърифий дас-
тур». 11.10 «Тез ёрдам».
Сериал. 12.00 «Текилли
тонг». Триллер. 13.30 «У
қотилликни баён этди».
Телесериал. 15.00 Теле-
шоу. 16.00 «Кикбоксинг
империяси». 16.40 Хуж-
жатли сериал. 18.00 «30-
канал» киноқшоми: «Ик-
ковлон дарёда». 19.30
«Ошиқона». Мусикий дас-
тур. 19.45 «Дронго». Се-
риал. 21.05 «Клип-совга».
Телетабриқнома. 21.20
«Хайрли тун, кичкинтой-
лар!». 21.30 «30-канал»
киноқшоми: «Тўлиқ кел-
тириш». 23.15 Рестлинг
титанлари.

Chorshanba

1

«Ўзбекистон»

телеканал

Ўқитувчилар ва
мураббийлар кунин.

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм»
намоиши: «Умид
нихоллари - 2003».
9.30 «Қалбингизда
сўнмасин зиё».
9.50 Мусикий танаф-
фус.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Зиё масканла-
ри».
10.15 «Ойишон».
Бадий фильм.
11.30 «Бири-бирига
устоз».
11.45 Мумтоз наволар.
12.05 «Хатолар ороли».
Мультфильм.
12.30, 13.15 ТВ-анонс.
12.35 «Саховат».

13.20 «Устозга таъзим».

Ўқитувчилар ва
мураббийлар кунига
бағишланган тантанали
йиғилиш ва концерт.14.10 «Ошин». Телесе-
риал.

15.10 «Зиё масканлари».

15.20 «Ягона оилада».

16.00 «Қалбингизда
сўнмасин зиё».16.20 «Кўшиқ-ла ҳаёт
ғўзал».16.40 «Таълим ислохот-
лари».«Болалар сайёраси»:
17.00 «Уйла, Изла, Топ!»

18.10 «Олтин бешик».

18.30 «Умид». Телелоте-
рея.

18.55 Бир жуфт кўшиқ.

19.05 «Зиё» студияси
намоиши этади:
«Этиқод мустаҳкамли-
ги йўлида».19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Ёшлар.19.30 «Ахборот» (рус
тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Журналист
тахлили».21.25 «Қалбингизда
сўнмасин зиё».Бадий-мусикий
кўрсатув.21.50 «Ошин». Телесе-
риал.

22.50

интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 «Coscom»
хабарлари.
20.00 Мусликий лаҳза-
лар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35
Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.25 Бегийм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
хам кино».
17.55 «Хориж хабарлари»
(рус)
18.00, 20.40 «Экспресс»
телегазетаси.
18.05 «Болажонлар

экрани».
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.45,
22.00 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарла-
ри».
19.10 ТТВда сериал: «Ой
нури агентлиги».
20.20 «Бурч ва масъули-
ят».
21.00 «Эл хизматиди».
21.20 ТТВда сериал:
«Лўлининг бахти».

22.20 Кинонигоҳ.
«Азизам, мен болалар-
ни кичрайтирдим».
23.50-23.55 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00 -
7.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Парле ву франсе?»
16.35 «Мультсеанс».
17.00 «Юқори технологи-

ялар олами».
17.10 «Евроныс»
янгилликлари.
17.30 «Оддий Кулгу».
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
18.50 «Кулгу хонаси».
19.40 «Ассалом, Франция!»
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир».
Сериал (сўнгги қисм)
21.30 «Бизнес ревью».
21.35 «Ишбилармон
кишилар».
21.55 «FCN Ўзбекистон

янгилликлари» (инглиз
тилида)
22.05 Кинематограф.
«Ижарага олинган
бола». Бадий фильм.
23.25 «Ахборот».
24.00 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Теле-
хамкор». 9.30, 14.10 Бола-
лар соати. 10.15 «Пауэр
Рейнджерс ёки кучли рейн-
жерлар» Сериал. 10.40,
16.00 «30»да спорт. 11.10

«Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Биовульф». Ўткир
сюжетли фильм. 13.30 «У
қотиллиқни баён этди».
Телесериал. 15.00 Теле-
шоу. 16.40 Хужжатли се-
риал. 18.00 «30-канал»
кинооқшоми: «Жонли
бомба». 19.30 «Ошиқона».
Мусликий дастур. 19.45
«Дронго». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Телетабри-
нома. 21.20 «Хайрли тун,
кичкинойлар!» 21.30
«30-канал» кинооқшоми.
«Шайтон билан жанг».
23.15 Спорт дастури.

JUMA

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалиқнинг
мовий осмони».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгилликлари.
10.05 «Кузги марафон».
Бадий фильм.
11.35 «Хаёт ва қонун».
11.55, 12.35 ТВ анонс.
12.05 «Олтин оҳу».
Мультфильм.
12.40 Уйғун. «Парво-
на». Спектакль. 2-
қисм.
13.40 «Шарқ таронала-
ри».
14.10 Телемулоқот.
14.50 «Ошин». Телесе-
риал.
15.50 ТВ клип.

16.00 «Депутат».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Кизикарли учрашув-
лар».
17.20 «Нурли манзил-
лар».
17.35 «Яхшилар ёди».
18.10 Репортаж.
18.15 «Иқтидор».
Интеллектуал теле-
уйин.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Аёлини эъзозла-
ган юрт».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Ошин». Телесе-
риал.
22.35 «Ифтихор».
22.55 «Ўзим билан
ўзим». Видеофильм.
23.55 «Ахборот-дай-

жест».
00.15-00.20 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой-
миз-гизингтоймиз.
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер» 12-
қисм.
10.45 «Давр»-интервью.
11.00 Минг бир масла-
хат.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Фарзандим -
жигарбандим». Маҳал-
ла ҳаётидан лавҳалар
9 қисм (яқунловчи)
12.50 «Шарқ таронала-
ри» фестивали
оханглари.

13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Сийрат.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Дийдор.
15.35 «Куринмас одам».
Бадий фильм.
17.05 Ўзимизники.
17.20 «Coscom» хабар-
лари.
17.25 Саёҳатнома.
17.50 Кўрсатувлар
дастури.
17.55 «Янги авлод»
студияси: Бешбармок.
18.20 «Саёҳат». Мульт-
фильм.
18.30 Куёшли юрт
одамлари.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Улугбек Отажонов
қўлайди.
20.15 Кишлоқдаги
тенгдошим.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
1. Футбол плюс, 2. Ринг
қироллари.
0.05 Монте Карлодаги
цирк фестивали.
0.55 - 1.00 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
хам кино».
17.55 «Хориж хабарла-
ри» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс»
телегазетаси.
18.05 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.40,
22.55 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарла-
ри».
19.10 ТТВда сериал:
«Ой нури агентлиги».
20.20 «Набатчи қисм».
20.55 «Дорихона
эшитиди». Бевосита
мулоқот.

21.45 ТТВда сериал:
«Қиш сонатаси».
23.15 Кинонигоҳ.
«Азизам, мен болалар-
ни катталаштирдим».
00.40-00.45 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ 6.00 -
7.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Машҳурлар. Одрин
Хелберн».
17.00 «Топ мюзик».
17.10 «Евроныс»
янгилликлари.
17.30 «Хужжатли
детектив».
18.00 «Хит парад».
18.25 «Гюстав Эйфель».
Хужжатли фильм.
18.50 «Мўжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Дурдаршан».
21.05 «Спорт технологи-
яси».
21.20 «Дунёга назар».
21.50 «Суперагент

Саймон». Кинокоме-
дия.
23.20 «Ахборот».
23.55 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30,
14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс
ёки кучли рейнджерлар»
Сериал. 10.40 «Маъри-
фий дастур». 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал. 12.00
«Шайтон билан жанг».
Ўткир сюжетли фильм.
13.30 «У қотиллиқни баён
этди». Телесериал. 15.00
Телешоу. 16.00 «30» да
спорт. 16.40 «Хужжатли
сериал». 18.00 «30-
канал»да ринг қироллари.
18.50 Юмор дастури.
19.30 «Ошиқона». Му-
сликий дастур. 19.45 «Дрон-
го». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Телетаб-
риқнома. 21.20 «Хайрли
тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқ-
шоми. «Тиришқок». 23.15
Спорт дастури.

Shanba

4

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.45 А ф и ш а.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Этиқод мустақам-
лиги йўлида».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 Телевизион
миниатюралар театри.
11.40 «Портретга
чизгилар».
12.00 Экранда киноко-
медия: «Анқов».
Бадий фильм.
13.35 «Барҳаёт сиймо-
лар».
14.05 «Адабий жараён».
14.25 «Ошин». Телесе-

риал.
15.25 «Ягона оилада».
15.55 «Рангин дунё».
16.10 «Экран хандаси».
16.20 «Саргузаштлар
ороли». Телешоу.
16.50 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
17.30 Футбол. Ўзбекис-
тон чемпионати.
«Пахтакор» - «Самар-
қанд - Динамо».
«Пахтакор» Марказий
стадионидан олиб
кўрсатилади. Танаффу
пайтида - Мультфильм.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгилликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала».
Дам олиш дастури.
21.35 «Кўрсатувдан-

кўрсатувгача».
21.55 ТВ клип.
22.00 «Гап чикди».
Телешоу.
22.40 «Ахборот-дай-
жест».
«Тунги ёғду»:
23.00 «КиноТеатр».
23.20 «Ширин булоқ».
Бадий фильм.
00.50-00.55 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 «Янги, авлод»
студияси: Бешбармок.
10.05 «Бунёдкор» ёшлар
телеклуби.
10.20 Табобат оламида.
10.45 Учрашув.
11.05 ТВ - адвокат.
11.10 «Гвадалупе».
Телесериал.

11.50 Бола тилидан.
12.20 Ринг қироллари.
13.10 Мусликий лаҳзалар.
13.25 «Махабхорат».
Бадий фильм 2-қисм.
14.25 Кишлоқдаги
тенгдошим.
14.45 «Экспедиция». Кўп
қисмли хужжатли
сериал.
15.35 Очун.
15.55 «Орзу дарахти».
Бадий фильм.
17.30 ТВ - анонс.
17.35 Кўрсатувлар
дастури.
17.40 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
18.05 «Яшил орол
сири». Мультфильм.
18.15 Саломатлик
сирлари.
18.35 ТВ - анонс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репор-
таж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Кутилмаган
меҳмон.

20.10, 22.35 Эълонлар.
20.15 «Махабхорат».
Бадий фильм 3-қисм.
21.15 Оханрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Маккени олтин-
лари». Бадий фильм.
0.45-0.50 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.11 Кўрсатувлар
тартиби.
17.21 ТТВда сериал: «Бу
хам кино».
17.50 «Мультчархпалак».
18.10, 21.55 «Экспресс»
телегазетаси.
18.15 «Афиша».
18.35 «Мисли гавҳар».
18.50 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.10 «Жаҳон географи-
яси».
19.40 «Ханда дўқони».
20.05 «Умр ганимат».
20.25 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бақаддам».
20.45 ТТВда сериал:
«Қиш сонатаси».
22.00 Кинонигоҳ. «Лас-

вегаслик аёл».
23.30-23.35 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Дэвид Коппер-
филд».
10.00 «Кизикарли кино».
Премьера.
11.00 Болалар соати:
«Еттинчи жин». Бадий
фильм.
12.10 CFI тақдим этади:
«Илм-фан афсонаси».
13.00-14.00 Дўстлик
видеоканал: «Бағри
кенг Ўзбекистон», «В
доброй хате», «Умид».
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Бинафша».
17.00 «Билишни истай-
ман».
17.20 «Йил қўшиқлари».
Куз.
19.00 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
20.00 «Время».

20.30 «Ютуқ». Теле-
уйин.
21.30 «Олтин граммо-
фон».
22.30 «Ахборот».
23.05 Кинематограф.
«Жаннатга қайтиш».
Бадий фильм.
1.00 «Тунингиз осуда
бўлсин»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.45
«Телехамкор». 9.30 «Ди-
нозаврлар». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Маърифий
дастур». 12.00 Оилавий
кино. «Тиришқок». Ўткир
сюжетли фильм. 13.40
Шоу дастури. 14.30 Ҳинд
киноси. 17.00 Телеуйин.
18.10 «30-канал» кинооқ-
шоми. «Голливуд белги-
си». 19.45 «Ошиқона». Му-
сликий дастур. 20.00
«Спорт-экстрим». 20.30
«Клип-совга». Телетабри-
нома. 21.05 «Тайга». Се-
риал. 22.00 «30-канал»да
кинооқшом. «Менинг
аёлим — гангстер». 23.45
Мусликий дастур.

Yakshanba

5

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.40 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа
олам».
12.10 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
12.50, 14.20 ТВ клип.
13.00 «КиноТеатр».
13.20 ТВ 1 кинотеатри:
«Катта бойлик
дардида». Бадий
фильм. 1-қисм.
14.30 «Гап чикди».
Телешоу.
15.10 «Катта бойлик
дардида». Бадий

фильм. 2-қисм.
16.10 «Олтин дала».
Дам олиш дастури.
16.40 Футбол. Ўзбекис-
тон чемпионати.
«Дўстлик»-«Трактор».
2-тайм.
«Болалар сайёраси»:
17.30 1. «Фаройибкентга
саёҳат».
2. «Олтин тож». Телеви-
зион уйин.
18.30 «Оқ ва қора».
Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
Кинокўрсатув.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Қорақалпоқ
наволари».
22.15 «Кун меҳмони».
22.25 «Яхшилик».
«Якшанба кинозали»:
23.00 «Ўзганинг чипта-

си». Бадий фильм.
00.30-00.35 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
9.40 Кувнок стартлар.
10.10 Чемпион сирлари.
10.30 ФИФА (футбол
ичида, футбол атрофи-
да)
11.10 Аскар мактублари.
11.30 ТВ - анонс.
11.35 Оханрабо.
12.15 «Заковат».
Интеллектуал уйин.
12.50 Ёшлар овози.
13.10 «Махабхорат».
Бадий фильм 3-қисм.
14.10 Мусликий лаҳза-
лар.
14.25 «Экспедиция». Кўп
қисмли хужжатли
сериал.

15.15 «Зинама-зина»
телеуйини.
15.40 «Денгиз одамла-
ри». Бадий фильм.
17.05 ТВ - анонс.
17.10 «Учинчи сайёра».
Маърифий дастури.
18.00 Кўрсатувлар
дастури.
18.05 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффу, Болалар
учун концерт.
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ - анонс.
19.20 Сув - ҳаёт
манбаи.
19.25 Ҳандалак.
19.50, 20.55, 22.30
Эълонлар.
19.55 «Махабхорат».
Бадий фильм 4-қисм.
21.00 «Қилин қирқ
ёриб...» Интеллектуал
уйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ - анонс.

22.40 «Озодлик нашида-
си». Бадий фильм.
0.05 - 0.10 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу
хам кино».
17.50 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.30, 22.25 «Экспресс»
телегазетаси.
19.35 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.55 «Жаҳон географи-
яси».
20.25 «ТВ плюс».
20.55 «Озод ва обод
юрт».
21.15 ТТВда сериал:
«Қиш сонатаси».
22.30 Кинонигоҳ.
«Филадельфия тажри-
баси».
00.10-00.15 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
8.55 Кўрсатувлар
тартиби.

9.00 «Инглиз тили
курси».
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдлари».
9.30 «Хамма уйдалиги-
да».
10.10 «Уйғоқ кайфият».
Информацион дам
олиш дастури.
11.40 «Мультсеанс».
12.00 «Ошхонада
инглизча гаплашамиз».
12.10 Кинематограф.
«Кичик сузувчи».
Бадий фильм.
13.40 «Дорихона эшита-
ди».
14.30-15.50 Дўстлик
видеоканал: «Рангин-
камон», «Айдўнлар».
«Дидар», «Чинсэн».
17.05 Кўрсатувлар
тартиби.
17.10 «Соғинч».
17.30 «Кинопрофи».
17.50 «КВН-2003». Олий
лига.
20.00 «Тенгдошлар».
20.40 Кинематограф.
«Истеъдодли мистер

Рипли». Бадий
фильм.
22.40 Бокс. Эвандер
Холифилд - Джейм
Тони.
23.40 «Тахлилнома».
00.20 «Тунингиз осуда
бўлсин»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 11.30, 17.40,
20.45 «Телехамкор». 9.30
«Динозаврлар». Мультсе-
риал. 10.00 Болалар учун
фильм. 12.00 Оилавий
кино. «Менинг аёлим —
гангстер». 13.40 Шоу
дастури. 14.30 Кундузги
кинозал: «Хатарли касб».
16.10 Маърифий дастур.
16.40 Мусликий дастур.
17.00 Телеуйин. 18.10
«30-канал» кинооқшоми:
«Ўлгудек совуқ». 19.45
«Ошиқона». Мусликий дас-
тур. 20.00 «Спорт-экст-
рим». 20.30 «Клип-совга».
Телетабриқнома. 21.05
«Тайга». Сериал. 22.00
«30-канал»да яқшанба ки-
нооқшоми. «Ўлдиришнинг
мавруди». 23.30 Спорт
шарҳи.

НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЗАРУР?

ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси Сизга дўкон маъмуриятига ариза билан муурожаат қилишни маслаҳат беради. Аризанинг намунавий матни қуйидагича бўлиши мумкин.

_____ дўкони
(тўлиқ номи ва юридик манзилини
кўрсатинг)
мудирига _____
_____ манзилда
яшайдиган _____
_____ дан
(ўз исми-шарифингизни кўрсатинг)

ЭЪТИРОЗНОМА

200__ йил _____ да дўконингиздан _____
сўмлик _____ русумли _____ сотиб ол-
дим. Хариддан _____ кун ўтгач, 200__
йил _____ да _____ ишдан чиқди.
(товар номи)

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ мен носоз _____ ни янги сифатли товарга, агар шундай товарлар сотувда бўлмаса, бир ой мобайнида алмаштиришингизни талаб қиламан. Башарти қонуний талабни бажаришдан бўйин товласангиз, мен _____ ни мажбуран

(товар номи)
алмаштириш ва янги _____ ни етказиб
(товар номи)

беришни орқага сурганингиз учун муддати чўзилган ҳар бир кун учун товар нархининг 1 фоизи миқдорида тоvon пули ундириш, шунингдек, ноқонуний ҳаракатларингиз билан менга етказилган маънавий зарарни ундириш хусусидаги даъво аризаси билан судга муурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланаман.

Қабул қилинган қарор хусусида менга белгиланган муддатда ёзма тарзда маълум қилишингизни сўрайман.

Сана:
Имзо:

Кундалик турмушда истеъмолчилар ва сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар) ўртасида хилма-хил баҳс-талаш, мунозарали муносабатлар юзага келиши табиий. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят ҳудудий бирлашмасига келадиган аризалар ҳам шундан далолат беради. Дарҳақиқат, харид қилинган товар лойиқ келмаса, нуқсонли бўлса ёки бир-икки кундан сўнг яроқсиз бўлиб қолса, истеъмолчи нима қилиши керак, деган савол барчани қизиқтиради. Биз бу борада бир неча маслаҳатларни айтиб қўймоқчимиз.

Агар харид қилган ноозиқ-овқат товарингиз Сизга ёқмаса, синиқ ёки нуқсонли бўлса, ташвиш чекишингизнинг ҳолати йўқ. Чунончи, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 433-моддасига биноан ноозиқ-овқат товари харидорга сотилган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида уни сотиш жойида (ёки сотувчи кўрсатган жойларда) бошқа ўлчам, ҳажм, бичим, ранг, бутланиш ва ҳоказолардаги шундай товарга алмаштириб олиш мумкин. Нархда тафовут бўлганда, у қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Айирбошлаш учун тегишли товар бўлмаганда харидор сотиб олган нарсани сотувчига қайтаришга ва унинг учун тўланган суммани тўлиқ олишга ҳақлидир. Бунинг учун харид қилган товарингиз бут, унинг истеъмол хусусияти сақланган ва уни айнан шу сотувчидан харид қилганлигини ҳимоя қилишда далилларингиз бўлса, кифоя. Сизнинг товарни айирбошлаш ёки қайтариш тўғрисидаги талабингиз қаноатлантирилади. Демак, дўкондан бирор нарсани харид қилдингизми, товар ёки касса чекини олишни ва сақлаб қўйишни унутманг. Улар сизнинг ишончли далилингиздир ва ҳуқуқингизни ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Айтайлик, истеъмолчига ишлаб чиқариш, конструктив, рецептурага оид ёки бошқа камчиликлари бўлган товар сотилган бўлса, унда истеъмолчи нима қилиши керак? Ҳақиқатан, шундай ҳолат юз берган тақдирда сотувчи (тайёрловчи) етти кун ичида товарни худди шундай русум (модель, артикул)даги товарга, агар сифатини қўшимча текшириш зарур бўлса, йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт. Савдода шундай товар бўлмаса, истеъмолчининг алмаштириш тўғрисидаги талаби даъво изҳор этилганидан бошлаб бир ой мобайнида қаноатлантирилиши керак. Олис туманлар учун бу муддат узайтирилади, лекин, икки ойдан ошмаслиги лозим.

Агар кўрсатилган муддатлар бузилган бўлса, сотувчи (тайёрловчи) товарни алмаштириш билан бир вақтда ҳар бир кечиктирилган кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида тоvon пули (пеня) тўлайди. Мабодо сотиб олган товарингиз кафолат муддати ёки яроқлилик муддати тугамай ёки олти ой мобайнида (кафолат муддатлари ва яроқлилик муддатлари белгиланган товарлар бўйича) синиб қолса, нима қилиш керак? Бундай ҳолда Истеъмолчилар ҳуқуқларини

Аризани 2 нусхада ёзиб, бирини ўзингизда қолдириб, бошқасини дўкон мудирига беришингиз ва у киши аризангизни қабул қилган санани ёзиб, имзо чекиши керак. Агар дўкондагилар аризангизни қабул қилишмаса, уни билдирув ва ичидаги қоғозлар рўйхати билан бирга почта орқали буюртма қилиб юборинг. Аризага товар чекининг кўчирма нусхасини илова қилинг, асл чеки эса ўзингизда сақланг. Агар дўкон маъмурияти шундан кейин ҳам талабингизни қаноатлантиришдан бўйин товласа ва Сиз ёзма жавоб олмасангиз, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шаҳар, туман жамиятларига ва вилоят ҳудудий бирлашмасига ёки маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бозор, корхона, ташкилот, ўқув юртлари қошида ташкил этилган таянч гуруҳларига, давлат ваколатли органларига ёки яшаш жойингиздаги ёки дўкон жойлашган манзилдаги судга муурожаат қилинг.

Истеъмолчи товар ёрлигини ўқий билиши керак, унда қуйидагилар ифодаланган бўлади:

1. Товарни ишлаб чиқарган корхонанинг номи (номи, мулк шакли, лицензия рақами).
2. Товарнинг номи (аталган номи ва маҳсулот номи).
3. Ишлаб чиқарувчи корхонанинг жойлашган манзили (давлат, вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй, телефон рақами ва бошқалар).
4. Товарнинг ишлаб чиқарилган санаси (куни, ойи, йили).
5. Сертификатланган белги (Ўзстандарт ёки бошқа давлатлар стандарт белгиси). Сертификат (мувофиқлик) белгиси — товар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги бўлиб, бунда маҳсулот маркаланган ёки хизмат тури ҳужжатлаштирилганлигидир. Чунки, маҳсулот ёки хизмат аниқ стандартга мувофиқ ва бошқа меъёрий ҳужжатга мос келиши керак.
6. Товарнинг яроқлилик муддати (соати, куни, ойи, йили). Яроқлилик муддати — ушбу даврда маҳсулотни сақлаш, хавфсизлик меъёрий қоидаларига амал қилиш, фойдаланишга яроқлилик даври ҳисобланиб, ундан кейин инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин.
7. ГОСТ, ТУ рақамлари. Ушбу «Маҳсулотни сертификатлаш» — маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи оми. «Мувофиқлик сертификати» — маҳсулотга белгиланган тартибда берилган қоидалар тизимидаги ҳужжатдир, Uz Dst 961:2000 ва шу кабилар.

8. Товарнинг хусусияти (калорияси, таркиби ва бошқалар).

9. Товарнинг қадоқланиш тартиби.

10. Товар чиқиндисини ахлатга ташлаш тартиби (утилизация). Товар ишлатишга яроқсиз бўлганда қаерга, қандай ҳолда ташлаш керак.

11. Товардаги штрих код. Товарни штрих кодлаш — бу махсус халқаро стандартлаш тизими томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотнинг барча параметрлари ҳақидаги маълумот бериш усулидир. У кўпгина ҳажмдаги ёзув-маълумот ҳужжатларидан халос бўлишга имкон бериб, махсус электрон қурилма ёрдамида ўқилади. Автоматик идентификациялаш тизими қоғозбозлиқдан воз кечиш, автоматик сканерлаш қурилмалари орқали ишлаб чиқарувчи, маҳсулотнинг техник ва истеъмол хусусияти, нархи, бошқа кўрсатмалар ҳақида маълумот олишга имкон яратади. Ҳар бир маҳсулотга ишлаб чиқарган мамлакатнинг ўз рақами ва 13 та рақамдан иборат код берилади. Масалан: биринчи 3 та рақам, товарни ишлаб чиқарган мамлакатнинг рақами (жумладан: Ўзбекистон — 487, Россия — 460, Қозоғистон — 478 ва бошқалар).

Камолжон ШОДИМЕТОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш вилоят ҳудудий
бирлашмаси раиси.

Истеъмолчи айрим товарлар маркировкасининг ўқишсини ҳам билиб олиши керак, бу ундан фойдаланишда белгиланган тартибда муносабатда бўлишни кўрсатади



Кўзда ювинг



40°C дан ошмайдиган ҳароратда ювинг



30°C дан ошмайдиган ҳароратда ювинг




60°C дан ошмайдиган ҳароратда ювинг



95°C дан ошмайдиган ҳароратда ювинг



Буюمنى ювинг мумкин эмас



Машинада ювинг керак



Машинада ювинг тақиқланади



Хлорли оқритирувни қўйиш мумкин эмас



Буюمنى хлор асратувчи воситалар ёрдамида оқритириш мумкин



Кимёвий усулда тозалаш



Кимёвий усулда тозалаш мумкин эмас



Тўтиқлаш, ёқитиш ёки оғир безилан қўйиш ҳолда кимёвий воситаларни қўйиш тақиқланади



Кимёвий воситаларда эҳтиёткорлик талаб этилади. Буюمنى учун қабул қилинган барча эритмаларда тозалаш мумкин



Кимёвий воситаларда эҳтиёткорлик зарур! Фақатгина оғир безилан (унгит-спирт) қўйилади



Оқитиш қўйилади



Давомлаштириш мумкин эмас



120°C дан юкори бўлмаган ҳароратда давомлашадиган



160°C дан юкори бўлмаган ҳароратда давомлашадиган



160°C дан юкори ҳароратда давомлашадиган



OSIYO
championati



ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Тошкент теннис марказида Осиё чемпионати якка тартибдаги беллашувларнинг иккинчи босқичи якунланди.



Мусобақанинг учинчи босқичига ўтиш учун баҳсларда олти нафар ҳамюртимиз кортга чиқди. Чиройли ўйинлари билан мухлису мутахассислар эътиборини тортган В.Узоқов чемпионатда учинчи ракамда сараланган Вадим Куценко билан куч синашди. Мурасасиз кечган баҳслар В.Куценко рақибига нисбатан анча кучли эканини намойиш этди - 6:1, 6:1.

Шу кунни яна икки вакилимиз ажойиб ўйин кўрсатди. Д.Мазур япониялик Хикори Кондони 6:3, 7:5 ҳисобида енгган бўлса, вьетнамлик Минх Куан До Д.Салимсаковга 6:1, 6:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Иккинчи босқичда ўйнаган олти нафар теннисчимиздан иккиси мағлубиятга учради. Ўзбекистоннинг энг тажрибали теннисчиси Олег Огородовдан бу гал омад юз бурди. Покистонлик Аиссан Курейший уни 7:5, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

Иктидорли теннисчи М.Иноятлов ҳам мусобақани эрта тарк этишга мажбур бўлди. У мусобақанинг иккинчи ракамли ракеткачиси Хитой Тайпейидан келган Ю Тзю Ванга қарши кортга чиққанди. Ўйин 6:3, 6:2 ҳисобида М.Иноятловнинг рақибига фойдасига ҳал бўлди.

Иккинчи босқичнинг энг кескин учрашуви Жанубий Корея вакили

Теннис

Сунг Кюн Канг ҳамда қозғистонлик Алексей Кедриук ўртасида кечди. Дастлабки сетда 6:4 ҳисобида имкониятни бой берган қозғистонлик теннисчи, кейинги сетларда рақибига имконият қолдир-

мади - 6:2, 6:1.

Индонезиялик тажрибали теннисчи Феби Видиянто сянганлик Хю Тунг Ю билан куч синашиб, 6:3, 6:4 ҳисобида рақибидан устун келди.

Аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам жиддий курашларга бой бўлди. Айниқса, ҳамюртимиз Иванна Исроилова ҳамда корейлик Жин Янг Чой ўртасидаги беллашув кўпчиликл эътиборини тортди. Ўтган йили Осиё чемпионатининг финал босқичига етиб борган И.Исроилова биринчи сетда 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Тез орада ўзини ўнглаб олган теннисчимиз кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал қилди - 6:4, 6:2. Малайзиялик Чин Би Ху ва Сянган вакиласи По Куен Лам ўртасидаги баҳс 6:3, 6:1 ҳисобида якунланди.

Индонезиялик Вукираш Савондари ва таиландлик Напапом Тонгсали ўртасидаги баҳс ҳам уч сет давом этди. Унда Индонезия вакиласи 2:6, 6:3, 6:1 ҳисобида зафар қучди.

Шунингдек, жуптлик баҳслари ҳам давом этмоқда. Ҳамюртларимиз В.Куценко ва О.Огородов биргаликда Д.Мазур ва М.Иноятлов жуптлигини 6:2, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Индонезиялик С.Суванди ва Ф.Видиянто, Ю.Кокурин ҳамда Ш.Шанголи жуптликлари ўртасида кечган баҳс 6:1, 6:2 ҳисобида Индонезия вакиллари фойдасига ҳал бўлди.

Аёллар баҳсида ҳам ўзбекистонлик теннисчилар - О.Омонмуродова ҳамда И.Исроилова жуптлиги ишончли ўйин намойиш қилмоқда. Маи Хюн Хюн ва Зи Ким Тран жуптлигига қарши кечган учрашувда юртдошларимиз кейинги босқичга йўлланма олди.

Ў.А.

ИККИНЧИ КУБОК «ЭШОНГУЗАР»ДА

Жамоалар биринчи бўлимни тенг курашлар остида ўтказишди. 2-бўлимда ҳам шундай ҳолат қайд этилди. Агар ўйин шу тахлит давом этса, мусобақа низомига кўра томонлар голибни пенальтилар сериясида аниқлашига тўғри келарди. «Эшонгузар» жамоаси жуда кўп ҳолларда хавфли вазиятларни йўққа чиқарди. Рақиблари эса, ўйин ўрталарида ҳисобни очишга муваффақ бўлишди.

Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида қаршилиқ футболчилар анча хотиржам тўп сура бошладилар. Бу эса, албатта жамоамиз учун айни муддао бўлди. Эшонгузарликлар уюштирган хавфли ҳужум рақиб футболчилари томонидан

қўполлик билан тўхтатилиб қолинди. Жазо сифатида берилган пенальтидан фойдалана билган вакилларимиз ҳисобни тенглаштирдилар. Ўйиннинг асосий вақти шу тариқа — дуранг натижа билан якунига етди. Голибни аниқлаш учун тепилган пенальтиларда омад вакилларимизга кулиб бокди. Ҳисоб 3:2.

Анвар Бобоев, Баҳодир Шаропов, Равшан Алегберов, Аббос Хўжаев, Ойбек Бобоев, Абдуҳамид Аҳмедов каби футболчиларимиз энг яхши футболчилар номига сазовор бўлишди.

Ўйин якунлангач, голиб ва совриндорларга фахрий ёрлик ва кубоклар топширилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хуршида НАЗАРОВА.

Самбо

ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Қозғистоннинг Уральск шаҳрида самбо бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда йигирмага яқин давлатдан келган уч юздан зиёд самбочи куч синашди.

Чемпионатда терма жамоамиз вакиллари — Г. Каримова ва Д.Қамбаров ва ўз вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, А.Маковлева, Д.Ибрагимова, Қ.Жўраева, Г.Жалоловага бронза насиб этди.

Ўғил болалар баҳсида ҳамюртларимиздан Д.Мавлонов, И.Сагиров ва Э.Фуломов финалдаги рақибларига имкониятни бой бериб, кумуш медаллар билан қифояланди. Н.Тугаев, У.Халилов, Л.Тошалиев, Д.Муҳидов жаҳон чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланди.

Ў.А.

Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими 2003 йил 27 сентябрь ҳамда 4, 11, 18 октябрь кунлари соат 11.00 да Қибрай туман жиноят ишлари бўйича суди биносида бўлиб ўтадиган кимошди савдосига таклиф этади.

Кимошди савдосига суд қарорлари ва ҳукмларига асосан Давлат эгалигига ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб киришда бевосита иштирок этган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «ВАЗ-21011» русумли автотранспорт воситаси, оқ рангли, техник носоз. Бошланғич нархи — 440000 сўм.

2. «ГАЗ-69» русумли автотранспорт воситаси, хаки рангли, техник носоз. Бошланғич нархи — 61440 сўм.

Аризалар ҳафтанинг шанба, якшанба кунларидан ташқари ҳар куни Қибрай туман жиноят ишлари бўйича суди биносининг 4-хонасида соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади. Кимошди савдосида иштирок этувчилар ўзи сотиб олишга истак билдирган автотранспорт воситаси бошланғич нархининг 10 фоизлик қийматини олдиндан тўлашлари шарт.

Мурожаат учун телефонлар: 152-73-43, 53-08-78, (8-295) 62-109, 62-317.

Манзил: Қибрай тумани суд ижрочилар бўлинмаси. Қибрай тумани, Зебуннисо кўчаси, 5-уй. Мўлжал: Қибрай тумани ҳокимлиги биноси.

ОЧИҚ ТУРДАГИ ТОВОҚСОЙ «ИСТИҚБОЛ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 27 октябрь куни соат 11:00 да Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган Тovoқсой «Истиқбол» акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Тovoқсой қишлоғи, С. Раҳимов кўчаси, 1-уй.

Реестр ёпилиши — 2003 йил 27 сентябрь. Кузатув кенгаши йиғилиши 2003 йил 18 сентябрь куни бўлиб ўтди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Корхона бош раҳбарининг молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаши.
2. Кузатув кенгашининг 2002 йилги ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2002 йилги фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботини, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарни тасдиқлаш.
5. Дивидендлар ҳақида.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ 3202-сонли Фармони асосида «Истиқбол» акциядорлик жамиятини бошқа шаклга ўтказиш.
7. Бош раҳбарни сайлаш.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. «Сопол буюмлар» кичик корхонасининг «Истиқбол» акциядорлик жамияти таркибидан чиқариш тўғрисида.
11. 2003 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
12. Жамоа аудиторини тасдиқлаш.
13. Бошқа масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкентдаги Гёте институти (Германия) билан ҳамкорликда "Донишманд Натан" асари сахналаштирилди.

«ДОНИШМАНД НАТАН»

Чуқур фалсафий мушоҳадага бой бу спектаклда олижаноблик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик каби умумбашарий қад-

риятлар улуғланади.

Немис адиби Готхольд Лессинг қаламига мансуб ушбу асарни Мирпўлат Мирзо ўзбек тилига ўғир-

ган. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг Махмуд Исмоилов, Қахрамон Абдурахимов, Жамшид Зокиров, Гавҳар Зокирова, Фарҳод Абдуллаев каби таниқли артистлари ижро этган.

Ў.А.

8-саҳифа меҳмони

Курама тоғининг этакларида сўлим бир қишлоқ бор. Номи ҳам ўзига хос — Қорабалиқ. Ростини айтсак, бу томонларда қишлоқларнинг номлари ҳам, одамларнинг феъл-атвори ҳам ўзгача.

Қизларининг сулувлуги, момоларнинг сўзамоллиги, ўлан айтишга моҳирлиги, йигитларнинг мардонаворлиги, қарияларнинг тантилиги, меҳмондўстлигини тилга олмасак бўлмас. Айниқса, гап-гаштакларда, тўй ва издиҳомларда айтиладиган ўлану қўшиқларнинг жозибаси-чи...

**Ўлан айтсанг, жўшиб айт,
Сўзни сўзга эшиб айт.
Телов, Тошсой, Оҳангарон —
Сулувларин қўшиб айт...**

Ҳа, шоир Барот Исроил, бастакор Анор Назаров яратган, иқтидорли ҳофиз Тошпўлат Маткаримов ижро этган дилрабо қўшиқ



«ЎЛАН АЙТСАНГ, ЖЎШИБ АЙТ...»

— «Оҳангарон ўлани» эл орасида машҳур бўлиб кетган.

**Баланд тови Курама,
Жилга, сойи бурама,
Кийик кўзли қизларга —
Ёмон кўзман қарама...**

Дарвоқе, Қорабалиқда, ён-атрофдаги қишлоқларда Қаршибой дўхтирнинг ўзига яраша обрўси, эътибори бор. Ахир жон бор жойда бемор ҳам бўлади, дейишади-ку. Қаршибойнинг кўли жуда енгил, деб алқашади кўпни кўрган кексалар.

Хуллас, Қаршибой билан Лазокатхон умргузаронлик қилиб, уч ўғил, уч қизнинг ота-онаси бўлишди. Ҳаммаси уйли-жойли, ували-жували.

Дастлаб, Лазокатхон ая икки тўнғичини ерга қўйиб, зада бўлиб қолган чоғи, кейинги ўғлининг исмини Тошпўлат қўйишларини бегидан ўтини сўради.

Шу ўғил кўрганлар ҳавас қиладиган йигит бўлиб ўсди.

**Ҳаёлларин сурдилар, кезишиб олам,
Айтингчи, ким дунёда энг азиз одам?
Она, она меҳри, дея келди бир садо:
Она, она, она — бебаҳо!**

**Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист
Тошпўлат Маткаримов
суратига чизгилар**

«Онам раҳматлик, шу қўшиқни айтганимда, кўзларига ёш олиб, дуо қилардилар. Айт, айтавер, болам, дегувчи эдилар».

Бу Тошпўлатнинг соҳир юрагидан сизиб чиққан армонли сўзлар...

Инсон ҳамиша елиб-югуриб, элга хизмат қилай, обрў-эътиборим олсин, деб ният қилади. Умидли инсон ҳақиқий ижодкордир. Бу борада ўз қалбини теран англаган кишигина ўзгалар дилига йўл топа олади. Токи, дил яйрамас, кўнгил қувонмас экан, вужуд дарахти барг ёзмас экан, исталган орзуларга эришиб бўлмайди.

Тошпўлат ўрта мактабни тугатгач, мусиқа муаллими Баҳром Сатторовнинг маслаҳати, отаси Қаршибой ақанинг далдаси билан Тошкентдаги маданий-оқартув техни-

(Махмуд Тоир), «Мард эл» (Усмон Азим), «Байрам» (Абдулла Ориф), «Келинчагим» (Азим Суюн) каби қўшиқларни қанчалик мароқ билан айтса, мухлислар ҳам шунчалар иштиёқ ва меҳр-муҳаббат билан тинглашади. Бу ташналик аслида Ватанга, элу юртга муҳаббатнинг буюк рамзи бўлса, ажаб эмас.

«Президентимиз ҳамиша «халқнинг ичига боринглар», «одамларнинг орасида бўлинглар» деб бежиз таъкидламайдилар. Айтаётган қўшиқларим халқимизнинг уммон каби тубсиз меросидан бир томчи, холос». Бу Тошпўлатнинг дилидан чиққан эътироф.

Тошпўлат Маткаримовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилганида вилоятимиздаги барча санъат ихлосмандлари, ҳофизнинг мухлислари чин дилдан қувонишди. Бу — санъатнинг, жозибали қўшиқнинг озода ва обод Ватанимизда топаётган қадру қимматига берилган юксак мукофот эди.

Биз Тошпўлат Маткаримов ижодига бир қур назар солдик, холос. Ҳали бу қўшиқларнинг давоми бўлади. Зеро, чинакам санъатнинг умри абадийдир.

Шавкат ТУРОБ.

Ҳикоятлар

ЭР КИШИНИНГ ЎЗИ ҚАНИ?

Хожа Ориф Ар-Ревгарий нақл қиладиларки, бир замонда бир мажнуна аёл бор эди. У доимо юзини ёпмай, бош яланг юрар эди. Унга: «Эй, аёл, юзингни эр кишилардан беркит!» — десалар, ҳалиги аёл: «Мен юзимни беркитадиган эр киши борми ўзи, қани кўрсатинглар!» — деди. Бу сўзни эшитган жамоат мулзам бўлиб қолди.

ТУЯ ЕТАКЛАГАН СИЧҚОН

Ривоят қиладиларки, бир сичқон бир туянинг арқонидан етаклаб юраркан, ўзини жуда кучқувватли паҳлавон чоғлади. Туя бунга кулиб кўя қолди. Ногоҳ олдиларидан бир анҳор чиқди, кўриб сичқон хайратга тушиб тўхтади.

— Қани сувни кечмайсанми? — деди унга туя. — Йўлбошчи бўлганингдан кейин йўл ўртасида тўхтаб қолма-да...

— Бу сув чуқур экан, унга тушсам фарқ бўлишим мумкин, — деди сичқон.

— Шошма, унда мен сувни чамалаб кўрай-чи, — деди туя ва сувга кирди. Сув унинг тиззасидан келди. — Қўрқма, сув тиззамдан келди, холос, — деди у сичқонга.

— Сенинг тиззангдан келган сув мен тушсам бошимдан ошиб-тошади, — деб йўлбошчилик даъвосидан кечди сичқон.

НОБОП САВОЛГА БОП ЖАВОБ

Ривоят қиладиларки, бир киши ғилай кўзли кишидан:

— Ғилайларга ҳамма нарса кўш кўринармиш, шу ростми? — деб сўрабди.

— Рост, — дебди ғилай кўзли киши. — Шунинг учун ҳам, сен кўзимга тўрт оёқли бўлиб кўринаяпсан.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Масал

Фойдали юк

Бир куни қурбақа тошбақага:

— Сенга кўп ачинаман, чунки, уйингни доимо ўзинг билан олиб юрасан. Шу оғир нарсани кўтариб юриш қийин эмасми? — деди.

Тошбақа унга:

— Менинг уйим — темир қургоним. Оғир дамларда у менга паноҳдир. Эшитмаганимсан, керакли, фойдали юк енгил булади, — деб жавоб берди.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА.



Обуна – 2004

ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Ҳар кун эрталаб ишга кета туриб, матбуот нашрлари дўконларидан газета ва журналлар харид қилаётган ҳамюртларимни, айниқса, фақат шу илгирда кўчага чиққан отахонларни кўрганимда, бўқалиқ бир дўстимнинг ҳикояси ёдимга тушаверади.

— Отамнинг ёшлари тўқсондан ошди, — деган эди у. — Яқин-яқингача бир одатларини ҳеч қанда қилмадилар. Қаллаи сахарлаб гузарга чиқиб кетардилар-у, бир даста газета кўтариб келардилар. Ўзлари учун кун бўйи эрмак, баҳонада биз ҳам дунёнинг ишларидан боҳабар бўлиб турардик. Аммо, кексайганларида оёқлари панд бериб, калтақадам бўлиб қолдилар. Остона ҳатлаб кўчага чиқиш малол келади-ю, аммо, газетхонликдан чарчамайдилар. Ўғилларим ҳар куни тонгда «Бобомга газета олиб келамиз» деб, гузарга отланадиган бўлишди...

Ўзимиздан кўпайишиб, катта ҳовли торлик қилгач, жойни бошқа қилдим. Ота-онамиз укам

билан қолишди. Уларни ҳар кўргани борганда, қариялар кўнгли тусайдиган бирор тансиқроқ нарса олишга ҳаракат қила-



ман. Бир гал отам ийманиброк гап очиб қолдилар:

— Ўғлим, шу нарсаларнинг ўрнига иккита газета кўтариб келсанг бўларкан...

Тушундимки, биз кўчиб кетганимиздан сўнг, доимий анъанага путур этган. Укам ва унинг фарзандлари бунга беэътибор

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифоланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.